

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 22-oktabr, chorshanba № 84 (15826)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 2014 йил 23-24 октябрь кунлари расмий ташриф билан Туркменистонда бўлади.

Мунтазамлик касб этган олий даражадаги Ўзбекистон — Туркменистон мулоқоти доирасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга доир масалаларни, минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб муаммоларни муҳокама этиш режалаштирилган.

Ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти ва турли соҳалар бўйича ўзаро ҳамкорликни янада мустақамлашга оид қатор ҳужжатлар имзоланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2014 йил 21 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини муҳокама қилишга ҳамда 2014 йилнинг 17 январидан республика Ҳукумати мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазибаларини амалга оширишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида таркибий қайта ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаш, мамлакатни ривожлантиришнинг белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларига, шу жумладан, ишлаб чиқариш, инвестициялар, экспорт ҳамда иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқлари ва соҳаларини ривожлантириш дастурларининг прогноз параметрларига эришишни таъминлаш, шунингдек, аҳоли бандлигини, ҳаёти даражаси сифатини узлуксиз ошириш ишларининг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)

Kun yangiligi

Тошкент ёш чолғучиларни бирлаштирди

Юртимизда илк мартаба

«Она юрт оҳанглари» халқаро ёш чолғучилар танлови ташкил этилди. Ижодий беллашувда дунёнинг ўн та давлатидан 70 нафардан ортиқ истеъдод эгаси қатнашяпти.

Мазкур халқаро танлов «Соғлом бола йили» Давлат дастурида кўзда тутилган муҳим тадбирлардан биридир. У ёшларда мусиқа илмини юксалтириш, миллий ва жаҳон мумтоз мусиқасини оммалаштириш, миллий ижрочилик аъёнларини кенг тарғиб этишга қаратилган.

(Давоми 5-саҳифада)

Iste'dodli yoshlar — mamlakat tayanchi

Буюк аждоғларга муносиб аълог

Шу йилнинг 20 — 29 июль кунлари Вьетнамнинг Ханой шаҳрида бўлиб ўтган кимё фани бўйича 46-жаҳон олимпиадасида ака-ука Беҳзодбек ва Бобурбек Болтаевлар бир олтин, бир бронза медални қўлга киритиб, кўпчиликни лол қолдирди. Ушбу олимпиадада тўрт кишидан иборат Ўзбекистон терма жамоаси биттадан олтин ва кумуш, иккита бронза медалга сазовор бўлди.



...Аэропортдан бошини баланд кўтарганча мағрур чиқиб келаётган ўғилларини кўрган Матёқуб аканинг кўзида қувонч ёшлари қал-

қиди. Матёқуб аканинг ушалмаган орзулари (бир пайтлар Матёқуб Ширинов тиббиёт институтига кириш учун тўрт йил уринган) бугун

фарзандлари тимсолида рўёбга чиқаётган эди. Ўғилларининг кўксига порлаётган медаллар отанинг юзини ёриштириб юборди, гўё...

Матёқуб ака фарзандларининг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишини истар, шу боис уларни болаликдан оқ тазқвондо тўғарагига берган эди. Спортга болалигидан ошно тутинган ўғиллар тажрибали мураббийлар қўл остида шуғулланди, спорт туфайли чиникди, мард, жасур йигитлар бўлиб камолга етди... Бўлар бола бошидан маълум деганларидек, Беҳзодбек 9-синфга қадар тазқвондонинг ITF йўналишида уч марта Ўзбекистон чемпиони бўлди. Акасининг изидан борган Бобурбек ҳам шу спорт тури бўйича Ўзбекистон кубогига зафар кучди.

Спорт ва илми икки қанот деб билган Беҳзодбек ўқиш-изланишдан тўхтамади. Барча фанлардан аъло баҳога ўқиди. Айниқса, математика, биология, кимё фанларини пухта ўзлаштирди. Мактабни битириб, ўқишни академик лицейда давом эттирди.

(Давоми 5-саҳифада)

21-oktabr — O'zbekiston Respublikasining «Davlat tili haqida»gi qonuni qabul qilingan kun

ТИЛ, ТАРАҚҚИЁТ ВА МАЪНАВИЯТ

Ёшлар ижод саройида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 25 йиллигига бағишлаб «Тил, тараққиёт ва маънавият» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, олий ўқув юртрали профессор-ўқитувчилари, санъаткорлар, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Республика Маънавият тарғибот маркази бўлиму мудири Г.Маткаримова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида она тилимизнинг давлат тили сифатидаги ўрни ва аҳамиятини кучайтириш борасида амалга оширилаётган кенг

қўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни тилимизнинг бой имкониятларидан кенг фойдаланишга пухта замин яратиши билан бирга мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ҳурмат қилинишида муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.


Истиқлол йилларида юртимизда барча соҳаларда бўлгани каби она тилимиз тараққиётида

ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Ўзбек тилининг халқаро миқёсдаги нуфузи ошиб, фаол мулоқот воситасига айланиб бормоқда. Турли даражадаги расмий учрашувлар, музокараларда тилимиз кенг қўлланилаётгани, хориждаги кўплаб университетлар, илмий муассасаларда ўзбек тили марказлари ташкил этилиб, уларда она тилимизни ўрганишга қизиқувчилар сафи тобора ортиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

(Давоми 3-саҳифада)



3 Интернет-кафеларига рейд



7 Паралимпиячиларимиз муваффақияти

(Давоми, бошланиш
1-саҳифада)

Иқтисодий ривожланиш ва модернизациянинг қабул қилинган стратегиясининг тизимли ва изчил амалга оширилиши туфайли жаҳон иқтисодиёти ривожланишида жиддий таҳдидлар ва сустрелиш мавжуд эканлигига қарамай, Ўзбекистонда макро-иқтисодий муаносиблик ва иқтисодий ўсишининг барқарор юқори суръатлари таъминланаётганлиги қайд этилди. Жорий йилнинг 9 ойида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 8,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми — 6,8 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми — 18,9 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Саноат тармоқларини жадал ривожлантириш дастурларини амалга ошириш ва ички талабни муаносиб рағбатлантириш чора-тадбирлари истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг — 11,3 фоизга, чакана товар айланмасининг — 14,2 фоизга ва пуллик хизматларининг — 11,1 фоизга ўсишини таъминлади. Хизматлар соҳаси миллий иқтисодиёт ўсишининг муҳим омилларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жорий йилда сув кам бўлган шароитларда деҳқонларнинг омикорлиги ва фидокорона меҳнати, суғориш сувидан оқилона фойдаланишни таъминлаш туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан мўл ҳосил етиштирилди ва йиғиштириб олинди. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва қишлоқ аҳоли пунктлари қиёфасини тубдан яхшилаш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар қишлоқдаги сифат ўзгаришларини таъминламоқда. Уй-жой қуришнинг янги қишлоқ массивларида намунавий лойиҳалар бўйича 10830 та якка тартибдаги уй фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича жорий йилда қабул қилинган фармони ва қарори талабларини амалга оширишга доир чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кичик бизнеснинг 20,2 мингта янги субъектини ташкил этишга кўмаклашди. Кичик бизнес улуши саноатда 2013 йилнинг 9 ойидаги 27,9 фоиздан жорий йилда 31,1 фоизга, ўзлаштирилган инвестициялар — 32,2 фоиздан 33,2 фоизга ва бандликда 76 фоиздан 76,5 фоизга ўсди.

Кичик бизнес субъектларига 224 та давлат активлари сотилди, 23 мингта фойдаланилмаётган давлат мулк объектлари ижарага берилди. Тижорат банклари томонидан умумий суммаси 7,3 триллион сўм ёки 2013 йилнинг 9 ойидагига қараганда 1,3 баравар кўп кредитлар ва микрокредитлар берилди. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг 99 фоизи солиқ ҳисоботларини, 94,7 фоизи статистика ҳисоботларини электрон шаклда топширмоқдалар. Юк божхона декларацияларининг 98 фоиздан ортиги электрон усулда расмийлаштирилмоқда.

Аҳолини ижтимоий муҳофа-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

за қилишни кучайтириш масалалари республика Ҳукуматининг доимий диққат-эътиборида, жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорлари 1,12 баравар оширилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида оналик ва болаликни муҳофаза қилишни таъминлаш, таълим сифатини ошириш, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Ушбу тадбирларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 4,2 триллион сўм ва 200 миллион доллар йўналтирилди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари олдида иқтисодиётни ва унинг тармоқларини, республика ҳудудларини ривожлантиришнинг 2014 йил учун белгиланган прогноз параметрларига эришишни сўзсиз таъминлашни, шунингдек, кейинги йилларда ўсишнинг барқарор юқори суръатларини сақлаб қолишни назарда тутган ҳолда ўсишнинг барча мавжуд манбаларини сафарбар қилиш, ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши йўлида тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ вазифалар кўйилди.

Хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарларининг алоҳида эътибори буюртмалар портфелини ўз вақтида шакллантириш, энг аввало VIII Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси, шунингдек, тармоқ ва ҳудудий ярмаркалари ўтказилиши давомида 2015 йилги ишлаб чиқаришнинг прогноз ҳажмлари учун хомашё ва материаллар харид қилиш юзасидан шартномалар тузилиши зарурлигига қаратилди.

Мажлисида муҳим устувор вазифа сифатида Инвестиция дастури бажарилишини ва 2014 йилда назарда тутилган ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектлари фойдаланишга топширилишини таъминлаш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларнинг натижаларини ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Саноат тармоқларини, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш ва модернизациялаш юзасидан фаол инвестиция сиёсати амалга оширилиши асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар 10,7 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестицияларни ўзлаштириш — 22,3 фоизга ўсишига кўмаклашганлиги алоҳида таъкидланди. 2715 та янги ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди, юқори технологик ва замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича 105 та муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тугалланди.

Жумладан, 700 минг тонна цемент ишлаб чиқариш қувва-

тига эга бўлган “Жиззах вилоятида портландцемент ва оқ цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш”, ишлаб чиқаришни 716 минг тоннагача кўпайтирган ҳолда “Фосфорит хомашёсини бойитиш бўйича мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш”, Хоразм вилоятида 80 мингта автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган “Енгил автомобилларнинг “Дамас” ва “Орландо” моделларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш” сингари лойиҳалар бўйича ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон миллий автомагистралари таркибига қирадиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича қарийб 720 миллион сўм ўзлаштирилди.

Ушбу масалани муҳокама қилишда айрим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги йўл кўйилган камчиликлар ва қоқоқлик учун бир қанча хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарлари фаолияти танқид қилинди. Улар олдида камчиликларни бартараф этиш ва қоқоқликнинг ўрнини тўлдириш, амалга оширилмайдиган инвестиция лойиҳалари бўйича объектларни ўз вақтида фойдаланишга топширишни таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар кўйилди.

Мажлисида иқтисодиётдаги ўзaro ҳисоб-китобларнинг ҳолати, шунингдек, иқтисодиётнинг айрим тармоқларида муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги батафсил таҳлил қилинди. 141 та зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича тасдиқланган “йўл хариталари”ни амалга ошириш натижасида жорий йилнинг 9 ойида 119 та корхона зарар кўриб ишлашдан чиқарилди.

Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича республика комиссиясига Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, хўжалик бирлашмалари билан биргаликда айрим тармоқларда ва йирик корхоналарда муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни тубдан қисқартиришга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

Мажлисида маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажмларини кўпайтириш ва турларини ошириш, экспортнинг 2014 йилда назарда тутилган прогноз параметрларига эришишни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ҳар томонлама таҳлил қилишга эътибор қаратилди. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар — экспорт қилувчилар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ташқи бозорларда улар маҳсулотлари-

нинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар туфайли маҳаллий экспорт маҳсулотларининг асосий турларига нархлар ноҳуш ўзгариб турганлигига қарамай, жорий йилнинг ўтган 9 ойида ташқи савдо айланмасининг салмоқли ижобий сальдоси тенденцияларини сақлаб қолиш таъминланди.

Йил бошидан бошлаб экспорт ҳажми 332 миллион долларлик 322 та янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, 172,2 миллион долларлик товарларнинг 143 та янги турларини экспорт қилиш ўзлаштирилди. Ушбу даврда ўзбек экспорт қилувчилари ўз маҳсулотларини илк бор 51 та давлатга етказдилар.

Хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги раҳбарларининг эътибори экспортга етказиб берилмаётган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмлари ва турларини кенгайтиришнинг мавжуд захираларини аниқлаш ва сафарбар этиш ишларини кучайтириш зарурлигига қаратилди.

Иқтисодиёт вазирлигига, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига манфаатдор хўжалик бирлашмалари билан биргаликда республикага замонавий бўлмаган, маънавий эскирган ва истикболсиз асбоб-ускуналар келтирилишига йўл қўймаслик, шунингдек, импорт бўйича олиб келинадиган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш даражасини тубдан ошириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш ва киритиш топширилди.

Аҳоли бандлигини ошириш масалалари мажлис қатнашчиларининг диққат-эътибори марказида бўлди. 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг тизимли амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг ўтган даврида 777,8 мингта янги иш ўринлари, шу жумладан, 465 мингтаси ёки 59,8 фоизини қишлоқ жойларда ташкил этиш таъминланганлиги қайд этилди.

Муҳокама давомида касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ишларини ташкил этишдаги йўл кўйилган камчиликлар учун республиканинг бир қанча туманлари ҳокимлари фаолияти қаттиқ танқид қилинди. Улар олдида камчиликларни бартараф этиш ва касб-хунар коллежларининг барча битирувчиларини ишга жойлаштириш учун янги доимий иш ўринларини кўшимча равишда ташкил этишни таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар кўйилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, тижорат банклари, хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарлари-

га янги иш ўринлари ташкил этишнинг 2014 йил учун белгиланган параметрларини бажариш ҳамда жорий йилда касб-хунар коллежларини тамомлаган ёшларни тўлиқ ишга жойлаштиришни таъминлаш учун амалий чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Тегишли вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари раҳбарларининг эътибори аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатининг доимий мониторинги ва таҳлилини таъминлаш зарурлигига, шунингдек, улар учун мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов томонидан Андижон вилояти фермерлари ва аҳолиси билан учрашувлар чоғида белгилаб берилган вазифаларга мувофиқ муносиб ҳаёт шароитлари яратилишига қаратилди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ҳокимликлар раҳбарларининг иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектларини ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини куз-қиш даврига тайёрлаш ишларини, шунингдек, бўлажак куз-қиш даврига мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка ғамлашни тугаллаш тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди.

Ушбу масалани муҳокама қилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, “Ўзбекэнерго”, “Ўзтрансгаз” компаниялари, “Ўзбекқўмир” акциядорлик жамияти, шунингдек, бир қанча вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг эътибори иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва турар-жой фондининг 2014-2015 йиллар куз-қиш даврига тайёрлиги ва барқарор фаолият кўрсатиши, шу жумладан, газ-транспорт ва энергия билан таъминлайдиган объектлар барқарор ишлашини, табиий газ, қўмир ва электр энергияси узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш учун шахсан масъул эканликларига қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турларини ва картошкани зарур ҳажмларда ғамлашни тугаллашни жадаллаштириш ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка нархининг ички бозорда кескин ўсиб кетишига йўл қўймасликни назарда тутган, талаб ва нархлар конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда уларнинг захиралари аҳолига сотиш учун савдога тизимли қўйилишини таъминлаш топширилди.

Мажлис кун тартибидеги масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, республика вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликларининг раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Уларда 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилиши сўзсиз таъминлаш ва келгусида республика иқтисодиётини барқарор ривожлантириш учун ишончли кафолатлар яратиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗА

Saylov — demokratiya ko'zgusi

Сайлов жараёнини ёритишда ОАВнинг ўрни



Жорий йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига умумхалқ сайловлари бўлиб ўтади. Мамлакат сиёсий ҳаётидаги мазкур муҳим воқеа журналистлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Зеро, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида аҳолини тегишли ахборотлар билан таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг алоҳида ўрни бор.

— Оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида мамлакатда демократик ислохотларни олиб боришда фаол иштирок этиб, фуқароларнинг рўй бераётган воқеаларга нисбатан нуқтаи назари ҳамда муносабатини эркин ифода этиши, жамоатчилик фикрини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди, — дейди Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов. — Бу эса аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишга ёрдам беради. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ишончли таъминлаш, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, сайлов комиссиялари фаолияти ошқоралигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Сайловларни демократик тамойилларга мос равишда ўтказишда ОАВ ҳам, у ўз фаолиятини юритаётган фуқа-

ролик жамияти ҳам эркин бўлиши лозим. Зеро, эркин фуқаролик жамиятисиз мустақил ОАВ ҳақида гапириб бўлмайди.

Ҳозирги кунда ҳар бири киши ОАВ фаолиятига бевоқиф ва билвосита алоқадор. ОАВ ижтимоий фикрни шакллантиришга, аҳолининг сиёсий саводхонлигини ошириш ҳамда унинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришга яқиндан кўмаклашмоқда.

2014 йилги сайлов кампаниясини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ташкил этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни ёритиш бўйича Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва «Жаҳон» ахборот агентликлари ўртасида шартнома имзоланди. Бундан кўзланган мақсад сайлов жараёнининг барча босқичлари ҳақида аҳолига тезкор ва ҳолисона ахборот беришдир. Марказий сайлов комиссиясининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиш, сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари ва улар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар билан ҳар томонлама танишиш, сайлов кунда ҳолисона овоз бериш учун барча зарур шароитларни яратишга асосланади.

Маълумки, Сайлов кампаниясини оммавий ахборот воситалари орқали ёритишнинг ҳуқуқий кафолатлари сайловга оид қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги (6-модда), шунингдек, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисида»ги қонун (6-модда)ларда қайд этилишича: «Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов кун овоз бериш биноларида, овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, ОАВ вакиллари, бо-

шқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан қузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак». Бугунги кунда сайловчиларга сайлов қонунчилиги меъёрларини тушунтириш, миллий сайлов тизимини янада демократлаштиришнинг мазмун-моҳиятини тарғиб этиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга доир билимини ошириш бўйича ахборот сиёсатини амалга ошириш учун журналистларга барча зарур шароит ва имкониятлар яратиб берилган. Шунини қайд этиш керакки, кундан-кунга сайлов жараёнини ёритишда фаол иштирок этишни хоҳловчи хорижий ва маҳаллий журналистлар сони ортиб бормоқда. Жумладан, 1994 йилда давлат вакиллик ҳокимияти органларига бўлган сайловларни ёритишда 475 оммавий ахборот воситаси, 2009 йилги парламент сайловларида 200дан ортиқ хорижий ҳамда 500дан зиёд давлат ва нодавлат маҳаллий оммавий ахборот воситалари қатнашган. Сайлов кампанияси босқичлари ҳақидаги ахборотлар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси орқали нафақат юртимиз ҳудудига, балки

сунъий йўлдош орқали юздан ортиқ хорижий мамлакатларга ҳам узатилган. Мустақиллик йилларида давлатимизда сайловларни очиклик ва транспарентлик тамойиллари асосида ўтказиш борасида катта тажриба тўпланди. Булар сайлов жараёнида ОАВнинг роли ва аҳамияти, қолаверса, журналистларнинг сайлов кампаниясини ёритишдаги профессионаллик даражаси янада юксалаётганидан далолат беради.

— Бугунги кунда Марказий сайлов комиссиясининг марказий ва ҳудудий босма ОАВ ва ахборот агентликлари билан сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисидаги ахборотларни ўз вақтида тақдим этиш ва тарқатиш борасида фаол ўзаро ҳамкорлик механизми йўлга қўйилди, — дейди Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Абдулазиз Абдуллаев. — Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати самарали фаолият олиб бормоқда. Сайлов комиссиясининг барча тадбирлари ОАВ вакиллари иштирокида ўтмоқда.

Жавлон ВАФОВЕВ,
«Turkiston» мухбири

Гулистон туманидаги 27-мактабда «Ёшлар ва қонун» тарғибот лойиҳаси доирасида учрашув бўлиб ўтди.

Бепарволикка йўл қўйманг!

Ёшларга мамлакатимизда сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, уларни ёт гоёлар таъсиридан асраш мақсадида ўтказилаётган мазкур лойиҳа «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилди. Учрашувда Гулистон туман имом хатиби, Ҳаракатнинг Сирдарё вилояти кенгаши ҳамда ички ишлар бўлими ходимлари сўзга чиқиб, мавзуга оид фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шунингдек, тадбир давомида ўқувчи-ёшларга «Эрта турмушнинг олдини олиш», «Оила — жамиятнинг муҳим бўғини», «Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш», «Огоҳ бўлинг, одамлар!», «Беғамлик ва бепарволикка йўл қўйманг!», «Одам савдоси — давр муаммоси» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Тадбирда ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларига мутахассислардан жавоб олди.

Элёр ЖҲРАЕВ

ТИЛ, ТАРАҚҚИЁТ ВА МАЪНАВИЯТ

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Япониялик талаба Юна Хирота Токио чет тиллар университетини тамомлаб, Тошкент давлат шарқшунослик институтида ўзбек тилини мукамал ўрганмоқда.

— Мактабда ўқиб юрган кезларимда Ўзбекистон, унинг қадимий тарихи, буюк алломалари ҳақида илк тасаввурга эга бўлганман, — дейди Ю.Хирота. — Бу мафтункор диёрга, унинг жозибали тилига, тарихига, бой маънавиятига бўлган қизиқиш мени юртингизга оҳанрабодек тортди. Ўқишни тамомлаб, Токио университе-

тида ўзбек тилидан дарс бериш ниятидаман.

Тадбирда юртимиз ва хорижлик талабалар мумтоз шеърятимиздан намуналарни ўқиб бердилар. Санъат усталари ва ижрочи ёшлар, болалар бадий жамоалари иштирокида концерт намойиш этилди.

Шу кун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ҳам «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган кун муносабати билан «Она тилим — жон тилим» мавзусида маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда таъкидланганидек, истиқлол йилларида навқирон авлодни миллий аъна-

ва қадриятларимиз, она тилимизга эҳтиром руҳида камол топтиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбек адабий тили раванқини буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг беназир ижоди, илмий-маърифий фаолиятдан айри тасаввур этиб бўлмайди. Мазкур зиё масканида ўзбек тилининг тараққиёт босқичларига оид кўплаб нодир асарлар, қўлёзмалар, тилшуносликка доир китоблар, аудио материаллар сақланади.

Тадбир доирасида ўзбек тилшунослигига оид китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Tadbir

Интернет-кафеларига рейд

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларидан тарқатилаётган ахборотлар ичида инсонлар онгини заҳарлаб, уларни маҳдудликка бошлайдиганлари ҳам кўп. Уларнинг ёшлар онгига салбий таъсири соғлом фикрли ҳар қандай кишини ўйга толдиради.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг мафкуравий иммунитетини шакллантириш, уларни турли ёт гоёлардан асраш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Яқинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қаш-

қадарё вилояти кенгаши ташаббуси билан ўтказилган рейд ҳам ана шу мақсадга қаратилди. Қарши шаҳридаги интернет кафеларда ўтказилган тезкор профилактик тадбир ва рейд натижасида интернетдан нотўғри мақсадларда фойдаланаётган ўғил-қизлар борлиги аниқланди.

— Бу каби рейдларни уюштиришдан асосий мақсад ёшларни «оммавий маданият», ахлоқий бузуқлик, зўравонлик, ёт гоёларни тарғиб этаётган ахборот манбаларидан ҳимоялаш, иллатлардан асрашдир. Бу каби тадбирларни вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказиш режамиз бор, — дейди «Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгаши раиси ўринбосари Собир Мусулмонов.

Тадбирда тўпланган маълумотлар асосида видеоролик тайёрланди. Уни таълим муассасалари ва маҳаллаларга тарқатиб, жойларда маънавий-маърифий учрашув ва суҳбатлар ўтказиш белгиланди.

Аҳрор СОДИҚОВ,
«Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти
кенгаши матбуот хизмати ходими



Xabarlar

Она каби азиз Ва улуғ

Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида «Она тилим — жону дилим» мавзуида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари билан бирга таниқли ижодкорлар ҳам иштирок этди.

Тадбирда ўқувчилар тайёрлаган бадиий дастур намойиш этилди. Мактабнинг 7-«Г» синф ўқувчилари иштирокидаги сахна кўриниши, ижро этилган куй-қўшиқлар, Ватан, она, меҳроқибат, тилимизни мадҳ этувчи шеърлар йилганларга манзур бўлди.

— Тадбирни кузатиб, ўқувчиларнинг адабий тил меъёрларига амал қилиб, раван гапиришидан уларнинг она тилимизни нақадар севиб, ар-

доқлашига амин бўлдим, — деди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоира Умида Абдуазимова. — Мен нега шу нарсага алоҳида урғу бераяпман? Негаки, бугун қайси тилда сўзламасин, адабий тил қоидаларига риоя қилмайдиган, «замонавийлик» дея сўзларни бузиб талаффуз қиладиган, нутқида хорижий сўзларни ноўрин қўллайдиган ёшларимиз ҳам учраб туради. Кимки она тилини хурмат қилмас экан, бу билан у, аввало, ўзини, ота-онасини хурмат қилмаган бўлади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, она тилимиз, бу — бизнинг улуғ қадриятимиз, бойлигимиз. Сиз мана шу қадриятга содиқ инсонлар бўлиб улгайишингизга тилакдошман.

Она тили ва адабиёт фанлари ойлиги доирасида ўтказилган тил байрами кўтаринки кайфиятда ўтди.

Шоҳсанам МАХМУДОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Тил дилларни боғлайди

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига йигирма беш йил тўлиши муносабати билан жойларда учрашувлар, адабий кечалар ўтказилмоқда.

Кармана туманидаги 28-умумтаълим мактабида «Тил — миллат фахри» мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Унда шоир, ижодкор ва устозлар

иштирок этди. Ўқувчиларнинг тилимизни мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлари барчага хуш кайфият бағишлади. Бундай тадбирлар ёш авлод қалбида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш, она тилимизга меҳр-муҳаббат ва хурмат, миллатлараро бағрикенглик ғояларининг камол топишига хизмат қилади.

Дилдора ШАМСИДИНОВА,
Кармана туманидаги 28-мактаб ўқитувчиси

Сен билан барҳаётман!

Бухоро вилояти мусиқали драма театрида «Тил барҳаёт экан, яшайди миллат!» шиори остида «Ўзбек тилим — фахрим, ғурурим!» номли маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги ва Маънавият тарғибот маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати виллоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тилшуно олимлар, услубчилар, ўқитувчилар ҳамда журналистлар иштирок этди. Дастлаб иштирокчилар ўзбек мумтоз адабиётига доир ҳамда XX аср адабларининг китоблари кўргазмаси билан танишди.

Ёшлар тилни эъзозлар

Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Тил — миллат кўзгуси» мавзуида адабий-мусиқий тадбир бўлиб ўтди.

Маданият ва истироҳат боғи маъмурияти ташаббуси билан «Камолот» ЁИХ Чилонзор тумани кенгаши ҳамда Республика «Баркамол авлод» болалар ижодиёти маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Журналистлар ижодий уюшмаси аъзолари, пойтахтимиздаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқитувчи ва ўқувчилари қатнашди.

Сўзга чиққан мутахассис ва олимлар ўзбек

тилига давлат мақоми берилгандан кейинги даврда тилимиз равнақиға қаратилган эътибор, унинг дунёдаги қадимги ва бой тиллардан бири экани, халқ маданияти, маънавияти ва бадиий тафаккурини юксалтиришда юқори ўрин тутганини таъкидлади.

Тадбир давомида ўзбек тили ҳақидаги адабий лавҳа, Республика «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказининг болалар рақс ансамбли, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи қошидаги Мансур Курёзов бадиий раҳбарлигидаги «Жайхун» кўғирчоқ театри ҳамда «Улуғбек юлдузлари» ансамбли хонандалари томонидан тайёрланган концерт дастури барчада унитилмас таассурот қолдирди.

Одинахон ХОЛИҚОВА

Yosh ixtirochi

Матоларга ранглар жилоси

Миллий урф-одат ва анъаналаримиз ажодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо маънавий бойлигимиз ҳисобланади. Юртимизда миллий хунармандчиликни ривожлантириш, бу борадаги қадимий анъаналарни тиклаш йўлидаги изчил саъй-ҳаракатлар бугун ўз самарасини бермоқда. Хунармандчиликнинг қадимий турларидан бўлган гиламдўзлик асрлар мобайнида янада сайқалланиб, санъат даражасига кўтарилган. Гилам тўқиш билан бирга ундаги рангларни тўғри уйғунлаштириш, яъни бўйаш технологияси хунармандчиликнинг ажралмас қисмидир.

Қарши педагогика коллежи ўқувчиси Гулбаҳор Турдиева момоларимизнинг анъаналарини давом эттираётган ёш тадқиқотчилардан бири. У яқинда матоларни бўйаш учун ўсимликлардан ранг олишнинг янги технологиясини яратди. Табиатда кенг тарқалган ўсимликлардан, жумладан, пиёз пўстлоғини қайнатиб — сариқ, ёнғоқ баргларидаги ёшлардан — яшил, ёнғоқ пўстлоғидан — жигарранг, гултожихўроз баргларидаги — қизил, анор пўстлоғини қайнатиб — оч қизил ранглар тайёрланади. Бирок, жинжак ўсимлиги томиларини қайнатиб, жигарранг ҳосил қилиш инсон тасаввурига келмайдиган ҳодиса. Ёш кашфиётчи ўзи тайёрлаган рангдан гилам ва матоларни бўйашда фойдаланади. Гулбаҳор тайёрлаган ранг билан бўйланган мато ва гиламлар ишқорли сув билан ювилганда ҳам ўз жилосини йўқотмайди.



ҳам гиламчиликнинг асосий ютуқларидан бўлди.

Гулбаҳор тенгдошлари орасида меҳнатсеварлиги, янгиликларга интилиши, билими билан ажралиб туради. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзоси, «Истеъод чорлови» клуби ва «Камолот» инфо» ёш журналистлар клуби фаолларидан.

Ёш хунарманд бўш вақтини



— Гиламдўзлик момоларимизнинг энг сеvimли машғулотларидан биридир. Уни тўқиш усуллари ва мураккабликлари ҳам талайгина, — дейди Гулбаҳор Турдиева. — Аксарият гиламларни тўқишдан кўра матосини бўйаш мураккаброқ. Сабаби гилам ўз жилосини сақлаб қолишида унга ҳамоҳанг ранг танлаш технологиясидан фойдалана олиш лозим. Оч рангларнинг тўқ ранглар билан уйғунликдаги комбинациясини яратиш юксак маҳорат талаб этади.

Гилам — табиий толалардан тайёрланган тоза экологик маҳсулот, шу туфайли унга ўсимликлардан олинган табиий ранглар билан жило бериш



самарали ўтказиш мақсадида гилам тўқиш сир-синоатларини пухта ўрганмоқда.

Гулбаҳорнинг келажакда орзулари бисёр. У ўзи яшаб турган қишлоқда тивувчилик цехини ташкил этиш ниятида. Шу билан бирга янги ранглар яратиш устидаги изланишини ҳам тўхтатгани йўқ.

Шавкат КАРОМОВ,
«Turkiston» мухбири

Тошкент ёш чолғучиларни бирлаштирди

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

Бугунги кунда Ўзбекистонда ёш авлод вакиллари мусиқа ва санъатнинг бошқа турларига жалб этиш, истеъдодларни аниқлаш ва ҳар томонлама рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилмаётди. Бунинг учун давлат томонидан барча шароитлар яратилган. Хусусан, Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги махсус қарорига мувофиқ, «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» ижро этилди. Натижа-

да республика миқёсида жами 278та болалар мусиқа ва санъат мактаби замон талаблари асосида қайтадан қурилиб-таъмирланди, янги мусиқий асбоблар ҳамда зарур адабиётлар билан таъминланди.

Амалга оширилган ислохотлар юртимизда бошланғич мусиқий таълимни тубдан такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш, ўқувчиларнинг мактабдан ташқари бўш вақтини мазмунли ташкил этиш имконини берди. Бунинг тасдиғини мусиқа ва санъат мактабларида очилаётган янги йўналишлар ҳамда уларда таълим олиш истагида бўлган болалар сонининг йил сайин ортаётгани миқёсида кўриш мумкин.



ЎЗА фотомухбири Асқар ЁҚУБОВ олган сурат

Ўзбекистонлик ёшларнинг халқаро мусиқа танловлари ва фестиваллардаги мувафқиятларини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринли. Охириги беш йил мобайнида 452 нафар ўқувчимиз Италия, Франция, Германия, Англия, Австрия, Япония, Руминия, Португалия, Россия ва бошқа давлатларда ўтказилган нуфузли танловларда голиб бўлди.

Бугал Ватанимиз мезбонлик қилаётган «Она юрт оҳанглари» халқаро танловида Қозоғистон, Россия, Эрон, Озарбойжон, Туркия каби давлатлардан келган 12 — 19 ёшдаги санъаткор-

лар маҳоратини намойиш этипти. Тадбирнинг очилиш маросими Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтди. Унда танлов ташкилотчилари — Халқ таълими вазирлиги ва Бастикорлар уюшмаси вакиллари сўзга чиқиб, ёшларни дўстлик ва санъат байрами билан қутлади. Тантанали маросим пойтахтимиздаги мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари иштирокидаги концерт дастури билан давом этди.

— Тошкентга биринчи бор келишим, бироқ ўзбек ёшлари ҳақида кўп эшитганман. Бугунги концертда уларнинг

маҳоратига тан бердим, — дейди озарбойжонлик Шукур Умарли. — Юртингизда санъат жуда юқори қадрланар экан. Бу жиҳатдан ўхшашмиз. Мен камонча миллий чолғусини чаламан. Танловга анча пухта тайёрландим. Ўйлайманки, камончанинг сеҳрли куйлари сизларни бефарқ қолдирмайди.

Танлов шартларига кўра, иштирокчилар иккита ёш тоифасига бўлинган. Улар дастлаб ўз юртининг миллий мусиқасини ижро этиб беришлари керак. Энг маҳоратли конкурсантлар кейинги босқичга йўлланма олади ва жаҳон композиторларининг мумтоз мусиқий асарларига мурожаат этади. Сўнги шарт — ўзбек бастакорлари яратган асарлардан бирини халқ чолғулари оркестри жўрлигида ижро этиш.

Голиблар 25 октябрь куни эълон қилинади. Ундан олдин эса хорижий меҳмонларни кўҳна Самарқанд шаҳрига саёҳат ва у ердаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолияти билан танишув кутяпти.

Наргиза БАҲОДИРОВА

Буюк аждоғларга муносиб авлог

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

— Кўйлагингизнинг биринчи тугмасини нотўғри қадасангиз, қолганларини тўғри қадаб бўладими? Ёшлар тарбияси тугмани тўғри қадашдан юз минг чандон муҳимроқ, — дейди Матёқуб Широнов. — Шу сабаб фарзандлар тарбиясига ҳар доим жиддий эътибор қаратиш зарур. «Қарс икки қўлдан чиқадими», деганларидек, хоҳиш бўлса-ю, шароит, тажрибали устоз бўлмаса, бирор натижага эришолмайсиз. Мен ҳам ушбу нақлга амал қилган ҳолда имкон қадар болаларимнинг қизиқишига қараб шароит яратишга, устоз-мураббийларни жалб этишга ҳаракат қилганман. Ҳар куни фойдали ва мазмунли ўтиши учун режали кун тартибини ҳам жорий этганман. Беҳзодбекнинг математикага қизиқиши юқори бўлгани учун уни ё иқтисодчи, ё спортчи бўлади деб ўйлардим. Йўқ, бундай бўлмади. У туман миқёсида барча фанлар бўйича ўтказилган фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаб, Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги 1-академик лицейга ўқишга қабул қилинди.

Онаси тиббиёт соҳасида ишлагани сабабми,

Беҳзодбек ҳам шифокор касбига меҳр кўйди. Академик лицейда ҳам кимё фанини катта қизиқиш билан ўрганди. Унинг интилишини кўрган ўқитувчиси Лазизбек Зайлобов бир куни Матёқуб акани ёнига чорлаб, ўглининг кимёни ўзлаштиришга қобилияти кучли эканлиги, шу боис уни ўз вақтида қўлаб-қувватлаши зарурлигини айтди. Шундан сўнг Беҳзодбек лицейдаги иқтидорли ўқувчилар учун ташкил этилган «Олимпиада» тўғрага аъзо бўлиб, Саидакром Саидумаров қўл остида фани янада чуқурроқ ўрганишни бошлади. У кимёга шунчалик меҳр кўйдикки, ҳатто ёзги таътилда ҳам ўқишни тўхтатмади. Бу интилишлар, изланишлар бесама қетмади. 2013 йилда ўтказилган 47-халқаро Менделеев олимпиадасида қатнашиб, кумуш медаль соҳиби бўлди.

Беҳзодбекнинг бу ғалабаси ўша йили Москва шаҳрида кимё фани бўйича бўлиб ўтадиган 45-жаҳон олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини берди.

Мувафқиятлар ўз ўзидан келмайди, унга шунчаки ҳавас билан ҳам эришиб бўлмайди. Бунинг учун тинимсиз меҳнат қилиб, изланиш керак. Иштиёқ, шароит, имконият ҳам зарур. Тенгдошимиз

ана шундай талаблар асосида жаҳон олимпиадасига жиддий тайёргарлик кўрди.

Илм йўлида машаққатлардан қочмаган Беҳзодбекка омад ҳам кулиб боқди. У олтин медалга сазовор бўлди. Унинг мувафқиятлари эътиборсиз қолмади — Президентимизнинг 2013 йил 3 декабрдаги «Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармони билан тақдирланди.

— Ўн саккиз ёшимда давлатимизнинг шундай юксак мукофотига муносиб кўришганидан миннатдорман, — дейди Беҳзодбек Болтаев. — Бу мукофот менга ҳам хурсандчилик бағишлайди, ҳам масъулият юклайди. Чунки кўксимда порлаб турган медаль юртимиз шўхратига янада шўхрат қўшишим кераклигини эслатиб туради.

Шу йилнинг май ойида Москва шаҳрида бўлиб ўтган 48-халқаро Менделеев олимпиадасида Беҳзодбек укаси Бобурбек билан бирга иштирок этди. Ака-ука ўн олти давлатдан келган 105 нафар ёш кимёгар орасидан кумуш ва бронза медалларни қўлга киритди.

Бобурбек ҳам акасининг йўлидан бориб, Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги 1-акаде-

мик лицейда таълим олаётди. Беҳзодбек эса бу йил ТПТИга имтиёзли равишда қабул қилинди.

— 46-жаҳон олимпиадасида қатнашиш истагимиз кучли эди, — дейди жаҳон олимпиадаси голиби Б.Болтаев. — Олимпиадада биринчи ўринни олганимни эшитганимда, беихтиёр кўзимга ёш келди. Тақдирлаш маросимида юртимиз байроғини елкамга ташлаганимда шуқуҳли кунлар, хурсандчилик онларим яна эсимга тушди-ю, юрагим тўлиқиб кетди, ўзбек фарзанди эканимдан ғурурланиб, шу юртда туғилиб ўсганимга минг бор шукр айтдим. Бизни қўлаб-қувватлайдиган халқимиз, бизга ишонадиган Юртбошимиз ишончини оқлаганимдан бахтиёрман.

Бугун Ибн Сино, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Беруний, Мирзо Улуғбек боболаримиздан мерос асарларни кунт билан ўрганиб, аждоғларига муносиб авлод бўлаётган Беҳзодбек ва Бобурбек Болтаевлар каби ўзбек фарзандларига жаҳон илм-фани дарғалари ҳам тасанно айтмасдан иложи йўқ. Ахир, булар тиббиёт, математика каби илмларнинг тамал тошини қўйган буюк аждоғларнинг издошлари-да!

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

«Kamolot» ko'zgusi

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси етакчилар кенгаши шу ҳудудда жойлашган академик лицей ва касбуна ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Соғлом фарзанд — келажак таянчи» мавзусида иншоолар танловини ўтказди.

Билим Ва иқтидор иншооларга намоён

Ёшларнинг мустақил фикрли, кенг дунёқараш ва чуқур билимли, соғлом ва баркамол, жамиятда ўз ўрнига эга етук шахслар бўлиб улғайишига кўмаклашиш, ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган танловда юз нафарга яқин ўқувчи иштирок этди.

— Танловда қатнашиб биринчи ўринни қўлга киритдим, — дейди Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи биринчи курс ўқувчиси Шаҳзода Озодова. — Танлов қизиқарли ўтди. Чунки унда иштирок этган барча тенгдошларим билимли ва иқтидорли ўғил-қизлардир. Аввалига бироз ҳаяжонландим. Бироқ қўлимга қалам-қоғоз тутгач, ҳаяжонимни анча босиб олган ҳолда ёзишга киришдим. Ижодий ишим юқори баҳоланганидан хурсандман. Голиблик, албатта, муҳим. Лекин танлов орқали кўлаб иқтидорли ёшлар билан танишганим ундан ҳам муҳимроқдир.

Фахрли ўринларни эгаллаган ўқувчиларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси етакчилар кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Назкат ҚУРБОННЁЗОВА,
«Turkiston» мухбири

Qadriyat

Миллат гаҳоси

Дунёда тиллар кўп, уларнинг миқдори ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Интернет манбаларида уларнинг сони 6703та деб кўрсатилади. Бу тилларда 6 миллиарддан ортиқроқ киши бири-бири билан мулоқот қилади. Шундан 13тасида 50 миллиондан ортиқ аҳоли сўзлашади, 70тасида гаплашадиганларнинг сони 5 миллиондан кўп. Қолган тилларда мулоқот қиладиганларнинг сони 1 миллиондан кам.

Ҳозирги даврда асосан етита: инглиз, немис, француз, рус, хитой, испан, ҳинд тилларининг мавқеи бошқа тилларга қараганда ер шари аҳолиси ўртасида устунлик қилаётир. Сабаби халқлари ушбу тилларда гаплашувчи давлатлар иқтисодиётда, илм-фанда, техникада бошқа мамлакатларга қараганда анча олдинга ўтиб кетди. Шу боис мазкур тилларни ўрганишга қизиқиш катта. Масалан, бугунги кунда 40 миллион одам хитой тилини ўрганиш билан банд. Ҳар йили 180 миллионга яқин киши инглиз тилини ўрганади.

Чет тилларини ўрганиш ҳақида буюк немис адиби Иоганн Вольфганг Ҳёте: «Кимки ўзга тилларни билмаса, ўз тилини ҳам яхши тушунмайди», деб ёзган эди.

Астойдил ҳаракат қилинса, бошқа тилларни мукамал ўрганиш ҳеч нарса эмас экан. Масалан, германиялик Шютц 270та, даниялик тилшунос

Расмус Раск 230та, машҳур немис олими Вильгельм Гумбольдт 117та, немис олими Эмиль Кребс 60та, италиялик кардинал Жузеппе Меццофанти 72та, рус тилшуноси Е.Д.Поливанов 70дан ортиқ, БМТ нинг бош таржимони Жорж Смит 69та тилда гаплаша олган. Буларнинг барчаси биз, бугунги авлод учун ибрат намунасидир.

Ахир, бир пайтлар илм-фанда, санъат ва адабиётда, тил ўрганишда, ақл-заковатда ота-боболаримиз дунё халқларининг пешқадамларидан, энг олдинда турган эътиборли вакиллари билан саналган-ку?!

Масалан, буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний 150дан ортиқ тилни билган. Шулардан 20таси «унутилган тиллар» саналган. Абу Наср Форобий ўзлаштирган тилларнинг сони 100дан ортиқ бўлган ва уларнинг 10га яқини «унутилган тиллар» қаторига кирган. Дунё табо-

бат илмига асос солган олимлардан бири Абу Али ибн Сино араб, форс, турк, лотин, сўғд тилларида бемалол суҳбатлаша олган. Соҳибқирон Амир Темур араб, форс, мўғул, туркий тилларни билган ва бу соҳада ўз замонасининг энг илғор олимлари билан тенгма-тенг баҳсга кириша олган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, азал-азалдан илм-фан сирларини, тилларни ўрганишда халқимизда ўзига хос анъана бўлган. Ўзини зиёли, ўқимишли санаган ҳар бир инсон араб, форс-тожик ва она тилимиз ҳисобланган ўзбек тилини мукамал билган. Замонасининг илғор кишилари она тилдан ташқари, бошқа тилларни ҳам билишни шарт ҳисоблаган. Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Хоразмий, Нодира асарларининг дунёда доврқ таратишида ҳам бу муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Негаки уларнинг барчаси туркий — ўзбек тилидан ташқари, форсий тилда ҳам ажойиб шеърлар, асарлар битган. Икки тилда баравар ижод қила оладиганларга «зуллисонайн», яъни икки тил билимдони деб қарашган. Шоирлардан бири Фазлуллоҳ Алмаий уч тилда: араб, форсий ва ўзбек

тилида бирдек шеърлар ёзгани учун «маъдани фазл» — фазилатлар маъдани деган унвонга мушарраф бўлган.

Дарҳақиқат, ўз она тилимиз ҳисобланмиш ўзбек тилини мукамал билиш билан чеғараланиб қолмасдан, ўтмиш аждодларимиздан ўрнак олиб, жаҳондаги бошқа тилларни ҳам изчил ўрганишимиз, илм-фан, техника соҳаларида дунё халқлари эришган улкан муваффақиятларни танқидий ўрганиб, улардан ўзбек халқининг равнақи, мамлакатимиз тараққиёти йўлида унумли фойдаланишимиз зарур.

Луғат бойлиги, унда яратилган илмий, бадиий, тарихий асарларнинг салмоғи нуқтаи назаридан ўзбек тили дунёдаги манамен деган тиллардан қолишмайди. Буни куйидаги мисол ёрдамида ҳам исботлашимиз мумкин. Алишер Навоий ўз асарларида 26035та, Александр Пушкин 21193та, Уильям Шекспир 20000дан ортиқ, Мигел де Сервантес 18000дан зиёд, Абдурахмон Жомий 17600та, Абдулла Тўқай 14000дан ортиқ сўзларни ишлатган.

Эслаб кўрайлик, миллатимизнинг тақдири ҳал қилинаётган, халқлар ўз тақдирини белгилаётган ўтган асрнинг 80-йиллари охирида

ўзбек халқи биринчилардан бўлиб, асрлар давомида эзилиб, топталиб келган миллий қадриятларимиз ва унинг асосларидан бири саналган она тилимиз тақдири устида жиддий бош қотирган. Юртбошимиз раҳнамолигида эркинлик, мустақиллик учун бўлган курашнинг илк ғалабаси, нишонаси сифатида 1989 йилнинг 21 октябры куни ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Шу кундан эътиборан тилимизнинг ривожланиш йўлидаги барча сунъий тўсиқлар олиб ташланди, у давлат томонидан қонун ҳимоясига олинди.

Миллатимиз, айниқса, жамиятимизнинг асосий кучи бўлган ёшларимиз олдида бугун иккита масала турибди. Улар, энг аввало, бебаҳо бойлигимиз, халқимиз тафаккурининг тенгсиз намунаси саналган она тилимизни мукамал ўрганиши, унинг ривожланиши, такомил учун курашиши, шунингдек, мамлакатимизни жаҳоннинг энг илғор, ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқиш учун чет тилларини пухта билишлари шарт бўлиб қолди. Шундагина юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни янада мустақамланишига пухта замин яратилади.

Абдулхай СОБИРОВ,
филология фанлари доктори,
Замирахон ЖЎРАБОВА,
Андижон давлат университети катта ўқитувчиси

Тил тафраккур билан тирик

Тил миллатнинг муқаддас ва бебаҳо мулкидир. Тилига эътибор қилмаган, уни асраб-авайлай олмаган қавм ўзлигини бой бериши муқаррар эканини тарих кўп бор исботлаган.

«Тил — миллатнинг руҳи», дейди Абдулла Авлоний. Бинобарин, ота-боболаримизнинг руҳи, орзу ва интилишлари, панд-насихатлари ўзбекча сўзлар орқали қалбимизга сингади. Ҳар бир миллат ўз тилини «она тили» деб аташи ҳам бежиз эмас.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши фақат ўзбеклар учунгина эмас, балки республикамиз ҳудудида яшаётган барча миллат вакиллари учун ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки бу қонун ўзбек тилини давлат тили сифатида эътироф этиш билан бирга, республикамизда истиқомат қилаётган бошқа халқлар тилларини ҳам ҳимоя қилади. Ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий тафраккур тарзи мавжуд. Номдор олимлардан бири «Агар Ньютон инглиз бўлмаганида эди, унинг буюк кашфиёти — бутун дунё тортишиш қонуни, бироз бўлсада, бошқача бўларди» деганида ана шу ўзига хос инглиз тафраккур тарзини назарда тутгани шубҳасиз. Тил орқали реаллашадиган тафраккур тарзининг ўзига хослиги борлиқни кўришининг, идрок этишининг ҳам маъ-

лум маънодаги ўзига хослигидир. Олмон алломаси Вильгельм фон Гумбольдт: «Ер юзидаги тилларнинг хилма-хиллиги фақат товушларнинг турличалигида эмас, балки халқлардаги дунёни кўришининг хилма-хиллигидадир» деган.

Миллат деган улуғвор тушунчани шакллантирувчи энг асосий унсурлардан бири ҳам, энг аввало, тилдир. Тилсиз тафраккур, тафраккурсиз эса тил йўқ.

Она тилининг инсон маънавий камолотидаги ўрни бекиёс. Чунки она тили инсоннинг бевосита руҳий олами, миллийлиги ва савияси, бир сўз билан айтганда, миллий психологиясига алоқадор.

Она тили инсон руҳий оламининг, миллий онгининг ўзига хос кўзгуси эканидан келиб чиқилса, маънавий-маърифий ислохот жараёнида бу бе-назир неъматнинг фавқулодда аҳамиятини янада аниқ тасаввур этиш мумкин.

Она тили атрофимиздаги оламини, мураккаб тилсимот бўлмиш шу ёруғ дунёни билишнинг қудратли воситаси экани ҳам ҳақиқат. Айни пайтда, алломалар айтганидек, она тилида шу тил эгаси бўлган халқнинг руҳи, бўйу баста, бутун борлиги акс этади. Бизнинг она тилимиз бўлмиш ўзбек тилида асрларни қаритган тарихимиз, халқимизнинг бетимсол табиати ўз тажассумини топган. Ўзбек тили миллий бирлигимизнинг азалий ва абадий рамзидир.

Ёшларимизда она тилига муҳаббат ҳиссини тарбиялаш, уларда равон,

ифодалари ва гўзал ўзбекча нутқ малакаларини шакллантириш, саводхонлигини ошириш борасида мамлакатимиз тил ва адабиёт ўқитувчилари олдида муҳим вазифалар турибди. Ҳозирги ёшларнинг бу соҳадаги малакалари ва билимлари билан мақтана олмаймиз. Уларда муайян фикрни ижодий баён қила билиш, мустақил ижодий тафраккур, фикр ифодаси учун энг мақбул фавқулодда мувофиқ тил бирликларини топа олиш ва эркин, ифодали ҳикоя қила билиш малакасини юксалтириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз лозим. Ҳеч кимга сир эмаски, жамият аъзоларининг она тилидаги саводи ва маданий нутққа эгаллиги шу жамият маданий савияси юксаклигининг белгисидир.

Шарқда сўзга чечанлик, назокат ва лутф билан сўзлаи билиш гўзал фазилат саналган. Қадимдан нотиклик, возизлик бениҳоя нуфузли илм, сиру синоатга тўла санъат сифатида ривож топган, эл ўртасида эътиборга сазовор бўлган. Буларнинг барчаси учун ҳам она тил асосдир.

Донишмандлар сўзни дорига ўхшатадилар. «Ортиқчаси зарар келтиради», дейдилар. Бу фикрни улуғ бобокалонимиз Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Кутадғу билиг» асаридан шундай баён қилади:

*Тилингни авайла — омондир бошинг,
Сўзингни авайла — узаяр ёшинг.
Киши сўз туфайли бўлади малик,
Ортиқ сўз қилади ва бошни эгик.*

Тилимиз — тенгсиз мўъжиза. Бироқ буни ҳамма вақт ҳам ҳис қилвермаймиз. Афсуски, ўзининг бўлар-бўлмас гапи, маҳмадоналиги билан кишининг асабига тегадиган, боз устига, қимматли вақтимизни ўғирлайдиганлар ҳам кам эмас. Дуч келган кишига қалбини очиқ мактубдай ёйиб юрадиган бундай кимсаларга кўча-кўйда ҳам, автоуловларда ҳам, ошхона ва мажлисларда ҳам, базму жамшидларда ҳам тез-тез дуч келамиз. Ваҳоланки, тилдаги ҳар бир сўз ўз ўрнида қўллангандагина нутқимиз кўркем, жозибадор бўлади. Сўзни ўз ўрнида қўллаш — нозик санъат. Унинг назокатини теран англаш учун, аввало, билим, зукколик керак. Билимли одам сўз қўллаш меъёрларини ҳам билади.

Ҳазрат Навоий бобомиз сўз таърифида шундай деган:

*...Тенгрики инсонни қилиб ганжи роз,
Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.*

*...Донаи дур сўзини афсона бил,
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил.*

Шундай экан, тилимиздан чиқаётган ҳар бир сўзга эътиборли бўлайлик, чуқур ўйлаб, мулоҳаза билан сўзлашга одатланайлик, қолаверса, тилимизнинг софлигини асрашга интилайлик.

Насибохон МАМАТЖОНОВА,
ТАҚИ қошидаги академик лицей ўқитувчиси



Ehtirom

Кексалари қадрланган юрт

Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг инсон манфаатларини таъминлаш барча ислохот ва ўзгаришларнинг асосига айланди. Мамлакатимизда кексаларга, жумладан, уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши учун қулай шароит ва имконият яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, ёлғизларни йўқлаш, эътибор ва кўмакка муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, халқимизга хос эзгу фазилат. «Қариси бор уйнинг париси бор» деганларидек, уларнинг насиҳати ҳаёт сабоғи, эзгу дуолари файзу барака омилidir.

Юртбошимиз ташаббуси билан бу табаррук инсонларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга беминнат хизмат кўрсатиш ва қулай турмуш шароитини яратиш борасида амалга ошириб келинаётган ишлар эътиборга молик.

Жорий йил 13 октябрда уруш ва меҳнат фронти фахрийларини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, тиббий ҳамда санаторий-соғломлаштириш соҳасида хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш ҳисобига уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти «1941—1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармон қабул қилди.

Мазкур фармонга биноан 2015 йилдан бошлаб, 1941—1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийлари йилига бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ҳамда республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул

соғломлаштириш курсидан ўтиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Ҳозирда фармон ижросини таъминлаш мақсадида «Нуроний» жамғармаси томонидан ҳам қизгин иш олиб борилмоқда. Мазкур жамғарма ўн саккиз йиллик фаолияти давомида аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини, айниқса, уруш қатнашчилари ва ногиронларини, ёлғиз кексалар ва хасталикка чалинган фахрийларни моддий, маънавий қўллаб-қувватлашда, шунингдек, авлодлар ўртасидаги узвий алоқадорлиқни мустаҳкамлаш мақсадида фахрий ва ёшларнинг икки авлод ва уч авлод учрашувлари, нуронийлар билан тарихий жой ва зиёратгоҳларга саёҳатлар уюштириш каби хайрли ишларни мунтазам ташкил этиб келмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 3688 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногиронлари, 78424 нафар меҳнат фахрийси, 18200 нафар ёлғиз кексалар, 2000дан зиёд юз ёшдан ошган нуроний истиқомат қилмоқда. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда «Нуроний» жамғармаси томонидан ташкил этилган «Ёшлар билан ишлаш» ва «Фахрий фаол аёллар» каби ишчи гуруҳларнинг ўрни катта. Мазкур гуруҳ аъзолари ёши улуг отахону онахонлар

ҳолидан мунтазам хабар олиб туради, турли айёмларда уларни зиёрат қилиб, совға-саломлар улашади.

Бу гуруҳлар касб-ҳунар коллежалари ва олий ўқув юртларида маърифий мавзуларда суҳбатлар ўтказиб келмоқда. Бу каби тадбирларнинг фахрийлар иштирокида ўтказилиши аҳиллик ва меҳр-оқибат, миллатлараро дўстлик ва тотувлик, ёшларда юксак инсоний фазилатларни шакллантиришда ўзига хос ўрин тутди.

Жорий йил 25 мингга яқин учрашув ва давра суҳбати ўтказилиб, уларда 950 минг нафардан зиёд тенгдошларимиз иштирок этган.

Бу каби хайрли ишларнинг амалга оширилишида жамғарманинг барча ходимлари, хусусан, жамғарма Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Эркин Боқибоевнинг меҳнатларини алоҳида эътироф этиш мумкин. Бутун умрини халқ хизматида бахшида этган бу инсон бугунги кунда ҳам ёшларга ибрат бўлмоқда. Унинг шоғирдлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида, жумладан, банк ва молия тизимида меҳнат қилмоқда.

— Устозлик мақоми ҳар кимга ҳам насиб этавермайди, — дейди шоғирдларидан бири Маҳмуджон Асқаров. — Эркин ака нафақат ўз соҳаси бўйича, шу билан бирга ҳаётдан ҳам сабоқ берадиган намунали устоздир.

Ўз халқи, Ватан манфаати йўлида самарали меҳнат қилган ва шу боис эл-юрт ҳурматини қозонганлар ҳақиқатан ҳам бахтли инсондир. Эркин Боқибоевнинг ҳаёт йўлини қайси соҳа вакили бўлмасин, ҳар бир ёш ўғил-қизга ибрат қилиб кўрсатса арзийди.

Назокат ҚУРБОННИЁЗОВА,
«Turkiston» муҳбири

Yurt sha'ni

ПАРАЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилаётган ПараОсиё ўйинларида муносиб иштирок этиб, 6 та Осиё рекордини янгилаганида намоён бўлди.

Жами 42 давлатдан тўрт мингдан зиёд спортчи иштирокида ўтказилаётган ушбу нуфузли мусобақада йигирма етти нафар паралимпиячимиз спортнинг энгил атлетика, дзюдо, сузиш, ўқ отиш бўйича Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Шу кунга қадар делегациямиз ҳисобидаги медаллар сони 19тага етди. Яъни 16та олтин, иккита кумуш ва битта бронза медални қўлга киритган жамоамиз кучли тўртликдан ўрин олиб турибди.

Мусобақанинг 50, 100 ва 400 метр масофага сузиш баҳсларида юқори натижа қайд этган ҳамюртимиз Дмитрий Хорлин бир йўла учта олтин медалга сазовор бўлди. У ҳар уч йўналишда ҳам Осиё рекордини ўрнатди ва ўзининг ажойиб галабаси билан юртдошларимизни хушнуд этди.

Яна бир спортчимиз Кирилл Паньков маҳоратини намоён этиб, 50 метр масофага эркин усулда сузишда шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди ва Осиё рекордини янгилади. Шунингдек, кеча 200 метр масофага комплекс сузиш бўйича бўлиб ўтган мусобақада маррага биринчи бўлиб етиб келган Кирилл «ПараОсиё — 2014» ўйинларидаги ўзининг тўртинчи олтин медалини қўлга киритиб, делегациямиз совринлар коллекциясини бойитди. Кирилл Паньков бундан аввал 50 ва 100 метр масофага эркин, 100 метрга чалқанча усулда сузиш бўйича ПараОсиё ўйинларининг олтин медалларига сазовор бўлган эди.

Энгил атлетика бўйича ўтказилган баҳсларда ҳамюртимиз Фахриддин Ҳамроев 800 метр масофага югуриш баҳсида тенгсиз эканини исботлаб, Осиё рекордини янгилади. Ушбу масофага югуриш бўйича Дамир Пашаев бронза медалга эга бўлди.

Ядро улоқтириш бўйича ўтказилган мусобақаларда Мавлонбек Ҳайдаров энг юқори натижани қайд этиб, Ўзбе-

кистон делегацияси ҳисобига яна бир олтин медални келтирди ва Осиё рекордини ўрнатди.

Энгил атлетиканинг узунликка сараш мусобақаларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган ҳамюртимиз Фаррух Мирзакулов ПараОсиё ўйинларининг кумуш медали соҳиби бўлди.

Дзюдо бўйича вазни 81 килограммгача бўлган полвонлар мусобақасида Шариф Халилов ПараОсиё ўйинлари ғолиби бўлди. Чорак финалда эронлик Саид Нури Жаъфарийни, ярим финал беллашувида эса япониялик Юсуке Хатсусени муддатдан аввал иппон баҳоси билан енгган Шариф полвон ҳал қилувчи беллашувда таиландлик Рунг Чатфунгни мағлуб этиб, ғолиблик шохсупасига кўтарилди.

Дзюдо бўйича вазни 73 килограммгача бўлган полвонлар мусобақасида ҳамюртимиз Феруз Саидов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллади. Таҷрибали спортчимиз чорак финалда Манохаран Янакираман (Ҳиндистон), ярим финалда эса дзюдо ватани вакили Хидекацу Такахаши (Япония)ни енгил, ҳал қилувчи финал баҳсида эронлик Муҳаммад Али Шананини 41 сонияда иппон баҳоси билан мағлуб этди.

Энгил атлетиканинг диск улоқтириш баҳсларида энг юқори кўрсаткич 53 метру 84 сантиметрни қайд этган Ҳусниддин Норбеков ПараОсиё ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди. Жамоамиз эришаётган бундай юқори натижалар юртимизда жисмоний имконияти чекланган ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида паралимпия ҳаракатини ривожлантириш орқали иқтидор ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилаётган доимий эътибор самарасидир.

ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗ КУЧЛИ УЧЛИҚДАН ЖОЙ ОЛДИ

Пойтахтимизда дзюдо бўйича Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнир ниҳоясига етди.

Халқаро дзюдо федерацияси бошчилигида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси ҳамда мамлакатимиз дзюдо федерацияси томонидан ташкил этилган ушбу нуфузли турнирда қирқ икки давлатдан 280 нафардан зиёд полвон иштирок этди.

«Ўзбекистон» спорт мажмуасида бўлиб ўтган мусобақанинг вазни 66 килограмм бўлган полвонлар баҳсида икки карра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон Олимпиадалари совриндори Ришод Собиров туркиялик Синан Сандал, ита-



лиялик Элио Верде, беларуслик Дмитрий Шершан, россиялик Денис Лаврентьев ва мўғулистонлик Алтансукх Довдонни енгил, мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди.

Юртимизда камол топган дзюдо усталаридан Диёрбек Ўрозбоев ва Яҳё Имомов кумуш медални қўлга киритган бўлса, Шаҳзод Собиров, Рамзиддин Саидов, Элёр Машарипов бронза ме-

даль билан тақдирланди. Бу эса ўзбек дзюдо мактаби жаҳонда етакчилар қаторида эканининг ёрқин далилидир.

Шу тариқа нуфузли турнирда мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари битта олтин, иккита кумуш ва учта бронза медал билан энг кучли жамоалар сафидан муносиб ўрин эгаллади.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
«Turkiston» муҳбири

Jurnalning yangi soni

«Ёшлик»
саҳифаларига

Журналнинг дастлабки саҳифаларида чоп этилган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг масъул котиби Сирожддин Рауфнинг «Қанот боғлаган орзулар» мақоласида халқ таълими соҳасида олиб борилган хайрли ишлар хусусида фикр юритилади.



Назм рукнида истеъдодли шоир Икром Отамуроднинг «Кўнгил таржимони» деб номланган адабий ўйлари ва туркум шеърлари мухлисларга тўхфа этилган.

Таниқли адиб Абдимурод Отажонов билан суҳбат «Қалб гавҳари» сарлавҳаси остида берилиб, унда мустақиллик йилларида қорақалпоқ адабиётида юз берган ижобий ўзгаришлар, яратилган янги асарлар ҳақида сўз боради.

Наср саҳифасида чоп этилган бир қатор ҳикоялар ўқувчи эътиборини тортади. Фармон Тошевнинг «Кечиккан байрам», Оллоёр Бегалиевнинг «Халоскор мушук», Файзулла Салаевнинг «Еттинчи бўрдоқи», Жасур Кенгбоевнинг «Гурбатхона» ҳикоялари шулар жумласидан.

Шунингдек, адабиётшунос олим, мунаққид Қозоқбой Йўлдошнинг «Модернизм: илдиз, моҳият ва белгилар» мақоласида модернизм — фалсафа, санъат ва адабиёт соҳасидаги ноқлассик қарашлар тизимини умумлаштирувчи атама сифатида талқин этилади.

Жаҳон адабиёти намуналари ҳам ўқувчи эътиборидан четда қолмайди. Рус адабиётининг намоёнаси Василий Шукшиннинг «Иккинчи сеансга чипта», «Қузда» ҳикояларида турфа инсонлар характери очиб берилса, америкалик адиба Кейт Чопиннинг «Ўкинч» асари ёлғиз аёл тақдирдан сўзлайди.

Назмда ижод қилаётган Дилбар Сиддиқова, Мунаввара Қурбонбоева, Шаҳодатбону Имомназарова, Ориф Ҳожилар битган шеърларнинг ҳар бири ўзгача таассурот қолдиради.

Насиба АБДУЛЛАЕВА,
«Turkiston» муҳбири

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Кўп асрлар олдин маълум бўлишига қарамай, фақат XVIII асрдан кенг қўллана бошлаган бу моддани хиндулар «дарахт кўз ёшлари» деб атаган. У шунчалик ноёб модда бўлганки, ўз вақтида олтиндан ҳам қимматроқ баҳоланган. Айтинг-чи, бу қайси модда?

Жавобингизни 24 октябрь соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 телефон рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:

Таваккал Қодиров.

Нишон туманидан Шаҳзод Абраҳматов биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллади.

Тлафаккур қилмондан бир қатра

Ўз вужудингга тафаккур айлағил,
Ҳар не истарсен, ўзунгдин истогил.

Алишер Навоий

ЗАМОНАВИЙ
ЎИЁ МАСКАНИ

Навоий шахридаги
3-умумтаълим
мактабда ўқувчи-
ларнинг замон та-
лаблари асосида
пўхта билим олиши
учун барча шароит
яратилган.

580 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олаётган мактабнинг фан кабинетлари замонавий ўқув қуроллари, компьютер тўпламлари билан жиҳозланган. Ўндан ортиқ фан ва спорт тўғрақлари ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, билимини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

СУРАТДА: мактаб ўқувчиси Фа-
рида Солиева.

ЎЗА фотомуҳбири
Сирож АСЛОНОВ олган сурат

Хазина

Битиктошлар тилимиз
тарихидан сўзлайди

Ўзбек тили қўндоғи энг қадимий ва бой тиллардан биридир. Она тилимиз бир неча минг йилдан бери бойиб, сайқал топиб келмоқда. XIX асрда топилган тарихий битиклар она тилимизнинг бой ва гўзал тарихидан қалолат беради. Ўрхун-Энасой ёзувидаги битикларнинг камф этилиши нафақат туркий халқлар, балки бүтун жаҳон илм-фанида оламшарқ воқеа бўлди.

Ўнгин (онгин) битиктоши. Энг қадимий ва йирик ёдномга бўлиб, 689 ёки 692 йилларга тегишлидир
Тўноққуқ битиктоши. 712—716 йилларда тошга ўйиб битилган ушбу ёдгорлик 1897 йилда топилган.

Кул тигин битиктоши 732 йилга тегишли бўлиб, жуда яхши сақланган.

Билга хоқон битиктоши Кул тигин битиктоши билан бирга топилган. Ушбу икки ёдгорлик 1889 йилда Ўрхун дарёсининг Кўшқин ирмоғидан топган.

Қули чур битиктоши. VIII асрга тегишли ёдгорлик. 1912 йилда топилган.

Моюн чур битиктоши. VIII асрга (тахминан 759 йиллар) тегишли. 1909 йилда финляндиялик олим Г.И.Рамстедт Шимолий Мўғулистоннинг Селенга дарёси яқинидан топган ва 1913 йилда таржимаси билан нашр этиради.

Ирк битик. XIX асрда топилган ушбу битик ҳам қадимий ҳисобланиб, 1912 йилда нашр этирилган. Мазкур битиктошлар график жиҳатдан бир-бирига анча яқин туради.

XI-XIII асрларда дунё юзини кўрган ва бугунги кунгача сақланиб келинаётган қуйидаги ноёб адабий-бадий ёдгорликлар ҳам туркий тил ривожига алоҳида аҳамият касб этди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» («Бахт келтирувчи билим») асари. Бу асар 1069—1070 йилларга оид бўлиб, ҳозир унинг уч кўлзма нусхаси маълум. Наманган ва Қоҳира нусхалари араб ёзувида, Вена нусхаси эса уйғур ёзувида битилган.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» («Туркий сўзлар девони») асари. Бу машҳур китоб 1072—84 йилларда ёзиб тугалланган (лекин ёзилиши анча илгари бошланган). «Девону луғо-

тит турк» 1915—1917 йилларда уч жилдда Истанбулда нашр этилди. Китобда туркий тилларнинг луғати бир-бирига қиёс қилинган ҳолда текширилади, туркий уруғ-қабилаларнинг жойлашиши, тарихи, маданий ҳаёти ва айниқса, тил хусусиятлари ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари. Асар XII асрда ёзилган бўлиб, тил жиҳатидан, бир томондан, эски туркий адабий тил, иккинчи томондан, эски ўзбек тили хусусиятларини акс эттиради. «Ҳибатул ҳақойиқ» бадий сўз санъати ва адабий тилнинг қимматли ёдгорлигидир.

Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат» асари. Бу асар ҳам XII асрга оид бўлиб, тилининг соддалиги, кенг ва халқ оммасига тушунарлилиги билан ажралиб туради.

Алибек ОМОНТУРДИЕВ
тайёрлади.